

Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича ШАРТНОМА

“02” март 2022 йил
шаҳри.

242 - сон

Фарғона

“Фарғона Худудий Электр Тармоқлари Корхонаси” АЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) нинг Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари бош директор Сайдалиев Азизбек Расулжонович бир тарафдан “Фарғона вилоят хокимлиги хузуридаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона Дирекцияси” (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи тарафдан “Буюртмачи”нинг Ўзбекистон тумани Мингтут МФЙ худудида жойлашган “Мингтут кичик саноат зонаси” ни электр тармоқларига улаш учун мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. “Пудратчи” норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ҳамда мазкур шартноманинг шартларига асосан электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиб, ваколатли идоралар билан келишиш, ташқи электр таъминоти тармоғини қуриш ва созлаш, ҳисобга олиш приборини ўрнатиш, шунингдек, “Ўзэнергоинспекцияси”нинг ташқи электр таъминотини электр тармоқларига улаш учун рухсатномасини олиш ишларини “Буюртмачи”ни жалб қилмаган ҳолда бажаради.

1.2. “Буюртмачи” эса “Пудратчи” га ишни бажариш учун шароит яратиб беради ҳамда ишларни қабул қилиб, тўловини амалга оширади.

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ.

2.1. “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар баҳоси электр қурилмаларини тармоққа улаш билан боғлиқ барча харажатларни инобатга олган ҳолда 79 226 000 (етмиш тўққиз миллион икки юз йигирма олти минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар суммасини ҳажмидан келиб чиқиб “Буюртмачи” ёки “Пудратчи” нинг таклифига кўра қайта кўриб чиқилиши мумкин.

III. ҲИСОБ - КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

3.1. Шартнома бўйича ҳисоб китоблар нақд пул, пластик карточка ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома умумий суммасининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини 5 иш куни ичида амалга оширади.

3.3. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасидаги шартномада белгиланган тўлов қийматининг 60 фоизи тарафлар ўртасида объектни топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида амалга оширилади.

3.4. Мазкур шартномада белгиланган 3 ойлик кафолатли муддат тугагандан сўнг ишлар қийматининг қолган 10 фоизи “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га 5 иш куни ичида тўланади.

3.5. Тарафларнинг келишувига асосан мазкур шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда, “Пудратчи” тугалланмаган объектни 5 кун ичида “Буюртмачи”га топширади. “Буюртмачи” бажарилган ишлар қисми бўйича тўловни “Пудратчи”га 5 иш куни ичида тўлайди.

IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. “Буюртмачи” томонидан олдиндан аванс тўлови амалга оширилиши шартноманинг 1.1 – бандида кўрсатилган ишларни бошлашга асос бўлади.

4.2. “Буюртмачи”ни электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш муддати олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 61 кунни ташкил этади.

V. ҚУРИЛИШИ ЯҚУНЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ.

5.1. Қурилиши яқунланган объектни топшириш “Пудратчи” томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 256 – сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий Регламенти” асосида амалга оширилади.

5.2. Ишларни кафолат муддати томонлар ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 6 (олти) ой этиб белгиланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. “Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

а) шартномада кўзда тутилган бажарилган ишлар учун тўловларни талаб қилиш;

б) электр қурилмаларини тармоққа улаш учун зарур шароитларни яратиб бериш;
“Буюртмачи”дан талаб қилиш;

в) ишларни бажариш жараёнида субпудрат асосида лойихалашни, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш.

6.2. **“Пудратчи”**нинг мажбуриятлари:

а) **“Буюртмачи”**ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома предмети, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

б) ишларни бажариш вақтидаатроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

в) **“Пудратчи”** ўзи ёки субпудратчилар томонидан объектни электр тармоқларига улаш ишларида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар сифати, лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга ега бўлишини кафолатлаш;

г) **“Буюртмачи”**ва “Ўзэнергоинспекцияси”нинг ҳудудий бўлинмасига объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида хабарнома юбориш;

д) объект топширилгандан сўнг 6 (олти) ой муддат ичида бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуқсон ва камчиликларни **“Пудратчи”** хисобидан 5 иш куни давомида бартараф этиш.

6.3. **“Буюртмачи”**нинг ҳуқуқлари:

а) мазкур шартномага асосан **“Пудратчи”**дан объектни электр тармоқларига улаш ишларини шартномада белгиланган муддатларда топширишни талаб қилиш;

б) **“Пудратчи”**дан бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф қилишни талаб қилиш;

в) бажарилган ишларни барча турлари билан танишиш ва ишларнинг сифати устидан техник назоратни амалга ошириш учун техник аудитор ёллаш;

г) объектни лойиха бўйича электр тармоқларига улашда талаб этиладиган, сертификатланган янги материалларни ўзи хисобидан тақдим этиш.

6.4. **“Буюртмачи”**нинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

б) **“Пудратчи”**га ишларни бажариш учун зарур шароитларни яратиб бериш.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар миқдорини қоплайди.

7.2. Мазкур шартнома бўйича бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмаганда ёки ўз вақтида амалга оширилмаганда **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”**га кечиктирилган ҳар бир кун учун жисмоний шахслар 0,1 фоиз, юридик шахслар 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бунда пеня кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиз дан ошмаслиги керак.

7.3. **“Пудратчи”** шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда, ёки лозим даражада бажармаганда, мажбуриятлар бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорда **“Буюртмачи”**га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган мажбуриятлар қийматининг 50 фоиз дан ошмаслиги керак.

7.4. Неустойкани тўлаш тарафларни бир-бирига етказилган зарар ва бой берилган фойдани қоплашдан ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

VIII. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ.

8.1. Тарафлар шартномани ўзгартириш ва бекор қилишни мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда ва амалдаги қонунчилик асосида амалга оширади.

8.2. Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга қарор қилган тараф, бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориши шарт.

8.3. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

IX. ФОРС - МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

9.1 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қургокчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир-бирларини ушбу ҳолатлар юз берган ҳолда зудлик билан иккинчи тарафга хабар бериши шарт.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

10.1 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

10.2 Мазкур шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда тузилиб, тарафлар имзолаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

10.3 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь кунига қадар.

10.4 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиккан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

10.5 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги конунчилик тартибида ҳал этилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Пудратчи

“Фаргона ҲЭТК” АЖ

Манзил: Фаргона вилояти,
Тошлок тумани Заркент МФЙ
Янгийўл қишлоғи, А.Навоий
кўчаси, 5-а уй
Телефон: 243-15-57, 243-1321
Факс: 8(373) 243-15-43
Х/Р: 20210000700215289215
МФО: 00494
Банк: Фаргона шаҳар Саноат–
қурилиш банки
ОКОНХ: 11170
СТИР: 200144930

« Буюртмачи »

Фаргона вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
Кичик саноат зоналарини бошқариш
бўйича ягона Дирекцияси

Фаргона шаҳри, Авиасозлар 2-уй

Х/Р: 23402000300100001010

МФО: 00014, Тошкент Марказий банк

Шхр: 400121860304017049990018002

ИНН: 305226648

Тел.: +99897 595 94 17

73) 226-46-36



(имзо)

2022 й.



(имзо)

2022 й.